

Сиёсий-маърифат соати |

Президентимизнинг БМТ Бош

Ассамблеясининг 78-сессиясидаги

нутқининг мазмун-моҳияти



Давлат фуқаролик хизматчиларининг сиёсий, маърифий ва маънавий билим ҳамда кўнилмаларини ривожлантириб бориш мақсадида ҳафтанинг ҳар жума куни ташкил этиб келинаётган "Сиёсий-маърифат соати"нинг бу ҳафтага мўлжалланган навбатдаги онлайн машғулотлари бўлиб ўтди.

Бугунги ўқув машғулотини туман ҳокимлиги кичик мажлислар залидан туман ҳокимининг ўринbosарлари, ҳокимлик аппарати ходимлари ҳамда корхона ва ташкилотлар вакиллари онлайн кузатиб бориши.

Ўқув машғулотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқининг мазмун-моҳияти ҳамда "Мутолаа вақти" ва "Конституциявий саводхонлик" рукнлари, шунингдек, мамлакатимиз ва хориж сахнида рўй бергаётган муҳим янгиликлар шарҳига тўхталиб ўтилган.